



Халқ сўзи

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 13 сентябрь, № 191 (8534)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 сентябрь кuni йўл хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Сўнгги 6 йилда мамлакатимизда йўллар қуриш ва таъмирлашга ажратилаётган маблағлар 3 карра ошган. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидagi корхоналарга 2 мингдан зиёд махсус техникалар харид қилинган. Булар орқали 65 минг километрлик йўллар қурилган ва таъмирланган.

Ўтган йилдан “Менинг йўлим” лойиҳаси ҳам бошланиб, ички кўчалар аҳоли таклифлари асосида қурилиб, таъмирланадиган тизим жорий қилинди. Шу йилнинг ўзидa 470 та маҳалладаги ички йўллар учун 410 миллиард сўм йўналтирилди. Натижада 3 миллион 600 минг аҳолининг мушукли осон бўлди.

Умуман, 3 мингга яқин маҳалалар йўлларида илк бор асфальт ёқизилди, яна 2 мингга маҳалладаги тупроқ йўллар шағал қопламага ўтказилди.

Лекин соҳада бир қатор тизимли муаммолар ҳам бор. Асосий камчиликлардан бири — қурилаётган йўлларнинг сифатсизлиги. Янги йўллар кўп ўтмай яроқсиз аҳолга келаётгани учун яна таъмирланмокда.

Йўлларни лойиҳалаш меъёрлари эскирган. Уларнинг катта-кичиклиги ёки ҳудудларнинг иқлим шароитига қарамай, бир қил андоза қўлланмокда. Лойиҳаларда йўл бўйи инфратузилмаси назарда тутилмагани боис аскарият савдо ва сервис шохобчалари тартибсиз жойлашган.

Сифат настиглининг яна бир сабаби — йўл назоратининг сустлиги. Бу борадаги ҳозирги талаблар шундайки, техник назоратчилар асосий вақтини йўлнинг сифатини текширишга эмас, пудратчининг ҳужжатларини ўрганишга сарфлайди. Йўл қурилишида замонавий техникаларни бошқара оладиган малакали кадрлар етишмайди.

Йўлларни мониторинг қилишнинг автоматлашган тизими йўқлиги сабабли қайси йўлдан қандай ҳажмда юк ўтаётгани маълум эмас. Йўлларда унинг юк кўтариш имкониятидан оғир бўлган транспортлар ҳам ҳаракатланмокда.

Йиғилишда шу каби муаммолар таҳлил қилиниб, янги чора ва таклифлар қўриб чиқилди.

— Сифатли йўл одамларнинг қайфияти ва иқтисодиётимиз “артерияси” ҳисобланади. Шу боис йўл қурилишига янгича ёндашувларни жорий қилиб, сифатни ошириш, соҳани рақамлаштириш ва хусусий секторни кенг жалб қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва сақлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Аввало, лойиҳалашни комплекс ёндашув асосида такомиллаштириш зарурилги таъкидланди. Яъни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, автомобиллар тўхташ жойи, ёнилги қуйиш шохобчаси, овқатланиш, савдо ва техник хизмат кўрсатиш объеклари қаерда жойлашиши, қаерда дархат экилиши лойиҳанинг ўзидa мужассам бўлиши керак.

Дунё нигоҳи

Буюк Британиянинг машҳур “The Times” кундалик газетасида нашр муҳаррири, саёхатчи-журналист Люси Перриннинг Ўзбекистон сайёҳлик бренди элчиси Софи Ибботсон кўмағида ёзилган мақолаги чоп этилди.

Дунё нигоҳи

Мақола британиялик журналистнинг мамлакатимизга қилган сафари тафсилотлари асосида тайёрланган. Унда муаллиф ўз таассуротлари билан ўртоқлашади, диққатга сазовор жойлар — тарихий обидалар ва табиий ландшафтлар, шунингдек, юртимизнинг замонавий сайёҳлик инфратузилмасини қаламга олган.

“Ўзбекистон британияликлар орасида жуда машҳур эмас — ҳар йили ушбу мамлакатга Буюк Британиядан 10 мингга яқин одамлар ташриф буюради ҳолос. Шу ўринда таъкидлаш кераки, Марказий Осиё давлатларини мустақил равишда айланиб чиқиш гоёси менга бироз кўрқинчли туюлди, — деб ёзади у. — Бироқ мен гуруҳ сафарига қўшилишни хоҳламадим ва мурося йўлини танладим. Маҳаллий гид билан шахсий саёхат, у ерда мен ишончли қўлларда бўлганимда имкон қадар кўпроқ нарсани ўрганишимга ёрдам берди. Энг муҳими, ҳеч нарсани олдиндан режалаштиришнинг ҳожати йўқ, тезоран поездлар ва арзон ички рейслар бир саёхатда барча қизиқарли нарсаларни кўриш имконини берди”.

Мақолада қайд этилишича, Лондондан етти соатлик парвоз йўлида жойлашган Ўзбекистон 1500 йилдан ортиқ вақт давомида узоқ Шарқни Фарб дунёси билан боғлаб турган қадимий Ипак йўлининг марказида жойлашган. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб милодий XV асргача Ипак йўли 4000 милладан ортиқ масофага чўзилган. Дунёнинг 40 та давлатини кесиб ўтган ушбу қадимий йўл ўзаро савдо-сотиқнинг ривожлантиришга хизмат қилган. Мазкур йўл орқали ўзаро товар алмашиш ривожланди. Хусусан, Хитойдан ипак, Ҳиндистондан қимматбаҳо тошлар Европага олиб келинган. Бундан ташқари, Ипак йўли халқлар ўртасидаги маданий алмашинуви рағбатлантиришга ҳам катта хизмат қилган. Жумладан, маданий-гуманитар алмашинувлар Марко Поло каби тарихчилар орқали халқларимиз ҳаётига кириб борди.

“Ўзбекистон пойтахти Тошкент карвонсаройлари билан машҳур манзил бўлган. Чорсу бозори тарихда шундай масканлардан бири эди, — деб ёзади британиялик саёхатчи-журналист. — Бугунги кунда отлар, аравалар ва Марко Поло каби сайёҳлар йўқ. Уларнинг ўрнида тўқин-сочин замонавий бозор қад ростлаб турибди. Бозорнинг бутун бир қаватини ўзбек ширинликлари аънаналарини намойиш қилувчи бўлим эгаллаган. Бу ерда ҳолвадан тайёрланган турли кўринишдаги ширинликларни сотиб олишингиз мумкин. Сотувчиларнинг айтишича,

оналар янги туғилган чақалоқнинг тили остига ҳолва қўйишар экан. Ушбу одат агар болалар келажақда тadbиркор бўлса, ҳаридорлар билан мулоқотга киришишга ёрдам бера экан”.

Британиялик журналист ўз мақоласида, шунингдек, қадимий Хивани муҳташам шаҳар ва очик осмон остидаги музей сифатида тасвирлайди.

“Унинг қадимийлиги Ипак йўли савдогарлари ўтган ёғоч дарвозаларда ўйиб битилган. Мен келган кун шаҳарда кум бўрони кўтарилди ва у шунчаки хувиуллаб қолди. Кимсасиз қолган кўчалар бўйлаб сайр қилиш, кино суратга олаётган труппа майдончани ташлаб кетганидан кейин кино сахнасига чиқиш каби туюлади. Шаҳарда мураккаб мозаикали қошинлар билан безатилган миноралар устунлик қилади. Ҳар бир бурчақда мадгараса ва диний уламоларнинг қабрлари қўйилган мақбараларни кўриш мумкин. Мен Европада биз кўришга ошқадиган диққатга сазовор жойлар ҳақида эслаб олмайман. Хиванинг ислом меъморчилиги билан солиштирганда, Эйфель минораси Леро тўпламига, Треви фавворалари эса тўлиб-тошган бассейнга ўхшайди”, дейди у.

“The Times” газетаси муҳбири Хивадан Бухорога кетаётганда чўл бағридаги қадимий қалъаларни кўрганини баён этган.

“Биз Аёзқалъада тўхтадик. У ерда IV асрда қурилган учта қалъа бор ва бир вақтлар подшоҳлар яшаган саройлар ҳаробаларини кўрдик. Бу ерда ҳеч қандай жонзот йўқ, вайроналарни тепадан

кузатиб турган қушлар “қўриқларди”, деб ёзади муаллиф.

Журналист, шунингдек, Бухорога қилган саёхати, шаҳардаги қадимий тимлар ва Пойи Калон меъморий ансамбли ҳақидаги ҳаяжонларини ҳам қўзғоға туширган.

“Шунчалик ҳайратланарлики, уларнинг гўзаллиги мени ўзига ром этди. Ҳаяжонларимни жиловламай қолдим, кўзимга ёш келди. Аммо бу кўрганларим бизни кейинги бекатда — Самарқанда кутаётган мўъжизалар олдида ҳеч нарса эмас экан”, дея қайд этади нашр муаллифи.

Журналист Регистон билан танишуви ҳақида ёзар экан, ушбу тарихий майдоннинг гўзаллиги олдида лол қолганини яшириб ўтирмайди: “Кундузи биноларнинг сеҳри сиэни ўз домига тортади, унинг асирига айланасиз. Ушбу майдон минглаб мозаикалар билан қоп-



Сирожидин ВОҲИДОВ олган сурат.

ланган. Менга энг ёққани, Регистонга кираверишда чўзилиб ётган улкан йўлбарслар бўлди. Кечки пайт қуёш ботганида майдон олтин ва яшил чироқлар билан ёритилади. Ушбу сонияларда кўз ўнгизда сеҳрли манзара гавдаланади”.

“Самарқанддан 25 чақирим нарида, маҳаллий аҳоли ўртасида омад келтирувчи жой сифатида таърифланадиган миллионлаб булоқлари бўлган Мингбулоқ қишлоғи жойлашган. Ойилар бу ерга булоқнинг муқаддас сувида чўмилиш учун келишади. Шунингдек, фарзандлари билан ҳордиқ чиқаради. Ҳор ичидa жойлашган зибратгоҳга ёш келин-куёвлар ҳам дуо олиш мақсадида ташриф буюришади”, деб ёзади Люси Перрин.

“Дунё” АА.
Лондон

Олий Мажлис Сенатида

ДАСТУР ИЖРОСИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур дастур ижроси бўйича бир қатор ишлар баҳарилди. Хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, аёллар малакасини ошириш мақсадида олимпиадаларнинг иш тирокида “PhD сари қадам” мавзuida ўқув курси, “Келажак: илм-қизлар ҳамжамияти” таълим-алмашинув дастури йўлга қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари ҳамда гендер тенглик масалалари бўйича раҳ-

бар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакавий салоҳиятини кучайтириш бўйича ўқув курслари очилган. Аёлларни реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш марказлари томонидан меҳнат жамоаларида зўравонлик турлари ва уларнинг олдини олиш бўйича қисқа муддатли семинар-тренинг ташкил этилиб, 2 мингдан зиёд иштирокчилар қамраб олинган.

Мажлисда сенаторлар томонидан Гендер тенгликка эришиш стратегияси доирасида белгиланган берилган вазифалар ижросини таъминлашдаги камчиликлар танқидий муҳокама этилди.

Хусусан, зўравонлик содир қилган шахсларнинг ҳулқ-атвори-ни ўзгартириш бўйича реабилитация тадбирларини ўз ичига олган махсус дастур ишлаб чиқиш вазифаси ўз якунига етказилмаганлиги қайд этилди.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашига номзодлар юзасидан эълон қилинган танловларга Миллий кадрлар заҳирасидаги хотин-қизларнинг номзодларини жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмаганлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларида, ҳудудлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат кенгаши органлари фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги ишларни жалдлаштириш зарурилги таъкидланди.

Акс садо

«ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИ

ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҲАЁТИЙ ҲУЖЖАТ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда уни 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарорининг мазмун-моҳияти, бу борада партия ва унинг фракциялари олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Мазкур дастуриламал ҳужжатнинг аҳамияти юзасидан фракциялар раҳбарлари ўз позициясини билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР — КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ МУҲОКАМИДА

Кеча Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш йиғилишида дастлаб давлатимиз раҳбарининг шу йил 11 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, уларда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда парламентнинг иштирокига доир масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Қайд этиб ўтилганидек, келгуси етти йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи мазкур дастуриламал ҳужжатлар халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини чуқур ўрганиш, уларда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, ҳавфсизлик ва барқарорлиқни кафолатли таъминлашга қаратилгани билан ниятда аҳамиятлидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида унинг мақсадлари ва самардорлик кўрсаткичлари қўлай шаклда ифодаланган бўлиб, унда 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад назарда тутилди. Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, ҳавфсизлик ва барқарорлиқни кафолатли таъминлашга қаратилгани билан ниятда аҳамиятлидир.



Инсоният ақлу тафаккури билан дунё ўзгармокда. Иқтисодиёт ва фан-техника тобора раванқ топмокда. Бироқ бу юксалишлар, бир томондан, инсон оғирини енгил қилиб фаровонликка йўл очаётган бўлса, иккинчи томондан, табиатга, атроф-муҳит ва экологияга жиддий таъсир кўрсатаётгани ҳам барчамизга аён. Оқибатда, Ер юзидa иқлим кескин

ўзгариб бормокда. Бир минтақада курғоқчилик бўлса, бошқасида мисли қўрилмаган ёгингарчиликлар кузатиляпти. Мамлакатимиздаги пурвиқор тоғлар чўққисидa қишин-ёзин турган оппоқ қорлар эндиликда саратонга етмасдан имроқларда сув бўлиб оқиб тушаётганига қўниқиб улгурмасимиздан Арктикаю Антарктидадаги азалий

музликлар ҳам океан сувларига қўшилиб, йўқликка юз тутмокда. Қишда қор, баҳор ва кузда ёмғир ёғишининг кескин қамайиши минтақамизда дарёлар сатҳининг пасайишига, сув танқислиги юзга келишига сабаб бўлмокда. Қисқача айтганда, табиатга аёвсиз муносабатимиз учун у биздан “ўч” олмакда.



4



2

АДАБИЁТ ИХЛОСМАНДЛАРИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли олим ва адиб, адабиётшунос, мохир таржимон Иброҳим Гафуровнинг “Асарлар/Адабиёт дунёси: саккиз жилдлик тўплами” тақдими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи-шоирлар, адабиёт ихлосмандлари, ёшлар қатнашди.

Тақдимот

Тадбирда халқимиз тафаккурини бойитиш, маънавиятини юксалтиришга қаратилган ишлар силсиласида миллий адабиётимизни янада ривожлантиришга, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Иброҳим Гафуров — ана шундай эъзоз ва эҳтирмдан куч олиб, бекиёс завқшавқ, туганмас илҳом билан ижод қилиб келаётган олим ва таржимон. Унинг адабиётшуносликка оид асарлари халқимизнинг адабий қарашларини янгилашга катта ҳисса қўшди. Жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилинган таржималари инжа санъатимизни янада бойитди. Модерн шеъриятига Ҳамоҳанг тарзда яратган мансуралари олимлар томонидан янги адабий ҳодиса сифатида баҳоланди.

Филология фанлари доктори, профессор Наҳмиддин Комилов тўлқинлиб ёзганидек, Аллоҳ таоло бу инсонга алоҳида завқ ва یدрок ато этган. Бизда ҳеч бир танқидчи шеърый асарни Иброҳим Гафурдек қиёмига етказиб таҳлил қилган эмас. У ҳеч қачон асар муаллифига ақл ўргатиб, ҳуқмфармонлик этмаган. Ақсинча, у шеърни гўзал санъат асари деб, санъат қонунияти асосида ўрганар экан, муаллиф билан шеърый ҳақида суҳбат қуради ва шу орқали китобхоннинг ҳам дил торларини созлаб, гўзалликдан баҳра олишга ундайди. Шунда

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Кўрик-танлов

«БИР НУРОНИЙ — ЎН ЁШГА МАСЪУЛ»

Самарқандда “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда туман, шаҳар босқичларида биринчи ўринни эгаллаган нурунийлар учта шарт бўйича беллашди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни Каттакўрғон шаҳри вакили Баҳриддин Шоматов қўлга кириптиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўрин пайриқилқил Исмоил Болтаевга, учинчи ўрин нарпайлик Ҳамза Рўзимуродовга насиб этди.

Президент қарори асосида “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамойилига мувофиқ, ҳар бир маҳалладаги ёшлар катта ҳаётий тажрибига эга ҳамда замонавий фикрлайдиган фаол нурунийларга бириктирилиши белгиланган эди, — дей-

ди “Нуруний” жаамгармаси вилоят бўлими раиси Шўҳрат Негматов. — Шунга кўра, бугун вилоятимиздаги маҳаллаларда нурунийлар ёшларга бириктирилган. Мазкур ижтимоий лойиҳадан мақсад ибратли ва катта ҳаёт тажрибасига эга нурунийларни жамяят ҳаётига фаол жалб қилишдан иборатдир.

Танлов сўнгидега ғолиб ва совриндорлар ҳамда фаол иштирокчиларга пул мукофоти ҳамда эсдалик совгалар топширилди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Халқимизда тўйга тўёна билан келишдек қадимий анъана мавжуд. Шу маънода айтганда, Бухоро вилоятидаги саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳам Ватанимиз мустақиллигининг шонли 32 йиллик байрамини меҳнатда улкан зафарлар билан қутиб олишди.

Изланиш

Кўп тармоқли “Бухоро агро-кластер” масъулияти чекланган жамяти тизимида эллиқка яқин ишлаб чиқариш субъектлари мавжуд. Улардан бири — сутни қайта ишлаб қорхонасида ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулот тури кўпайиб бормокда. 2021 йилда фаолиятини бошлаган бу қорхонада 150 нафарга яқин ишчи-ҳодимлар меҳнат қилляпти. Йилгига 22 минг тонна сут қайта ишланмокда. Аҳоли дастурхонига сут, кефир, йогурт, қаймоқ, сметана, айрон каби қирқ турдаги маҳсулотлар пешма-пеш етказилляпти.

— “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури асосида ишлаб, қувончли ютуқларни қўлга киритяпмиз, — дейди қорхона бош технологи Нодира Хусанова. — Айрим маҳсулотларимиз, дейлик, райхонли айрон ўз сифати, таъми жиҳатидан нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиёда ягона, десак, асло муболага қилмаган бўламиз. Гап шундаки, қорхонамизда Италиянинг замонавий технологик линиялари ўрнатилган. Улар бизга сутни обдан тозалаш ва ҳатто хидини йўқотиш имконини беради. Бинобарин, маҳсулотларимизга йилдан-йилга талаб ошиб боряпти.

Бизга ҳамроҳлик қилган стан-дартлаштириш, метрология, муво-фиқлики баҳолаш соҳаси ходим-лари ҳам бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар халқро меъёрларга жавоб беришини таъкидлашди. Маҳсулотлар маҳсуос автомаши-налар воситасида Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Хоразм вило-ятлари, Тошкент шаҳридаги буюрт-мачиларга етказилаётгани, қорхо-на тадбиркорлари Европа давлат-ларига пишлоқ экспортини йўлга қўйиш устида изланаётгани ҳам бу фикрни тасдиқляйди.

“Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури асосида ишлаб, муайян ютуқларга эришаётган яна бир қорхона — “Siyavush Textile Buxara” масъули-яти чекланган жамятидир. “Ғиж-дувон” эркин иқтисодий зонасининг Когон тумани ҳудудида фаолият қўрсатаётган қорхона тўқимачилик саноати учун муҳим хомашё санал-ган акрил қалава ип ишлаб чиқа-ришга ихтисослаштирилган.

— Бу ерда йилгига 40 минг тон-на маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд, — дейди қорхона цех бош-лиги Улугбек Шарипов. — У тўқи-мачилик саноати учун муҳим хомашё саналади. Ақрил қалава игга талаб нийоятда катта. Шу боис

ишни уч сменада ташкил этганмиз. Қорхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ишчилар сони минг на-фарга етади.

— Ўтган йили умумтаълим мак-табини тугатдим, — дейди туман-даги Сиезпиён қишлоғида яшовчи Ориф Жалилов. — Шундай йирик ва замонавий қорхонанинг иш бош-лагани менга ўхшаб тузукроқ иш излаб юрган қишлоқ ёшлари учун айна муддао бўлди. Меҳнат қилиб, ота-онамизга рўзгор ташвишлари-ни енгиллаштиришда кўмакдош бўляпмиз. Президентимиз яқинда вилоятимизга ташриф буюрга-нида қорхонамизда ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари назари туш-ган шундай замонавий қорхонада ишлаётганимдан хурсандман.

“Siyavush Textile Buxara”да амал-га оширилган бизнес лойиҳага келсак, у нафақат вилоят, балки Марказий Осиёда ноёб саналади. Унинг шарофати билан бюджетга йилгига 4,5 млрд. сўм микдорига қўшимча тушум тушади. Умуман, “Ғиждувон” эркин иқтисодий зона-си ҳудудида 2022 йилда қиймати 101 млн. АҚШ долларига тенг 30 та бизнес лойиҳа ишга туши-рилди. Натижада 584 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шун-дан 339 млн. АҚШ доллари микдо-ридаги маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йил якунига қадар яна 10 та бизнес-лоийҳа ҳаётга татбиқ этилиши билан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш тури ва микдори янада кўпаяди.

— Агар экспортчи қорхоналар-нинг сўнгги йиллардаги ўсиш суръ-атини таҳлил қилсак, бу борада ижобий тенденцияни кузатамиз, —



дейди “Ўзбекистон миллий метро-логия институтини” давлат қорхо-наси Бухоро филиали директори У. Бозоров. — Масалан, 2022 йил-да вилоятда экспортчи қорхоналар сони 190 тани ташкил этган. Кейинги икки йилда улар сони 30 тага кўпайди.

Айтиш жоизки, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш, асосан, техник жиҳатдан тартибга солиш, стан-дартлаштириш, метрология ва сер-тификатлаштириш ишларининг оқилона йўлга қўйилишига боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, соҳа ходимлари экспортга кўмаклашиш, менежмент тизимларини жорий этиш каби йўналишларда қорхона-лар билан ҳамкорликда иш олиб боришмокда. Мазкур ҳамкорлик на-тижасида вилоятдаги 37 та қорхо-нада халқро стандартлар талаб-ларига мувофиқ менежмент тизим-лари жорий этилди. Йил охирига қадар 90 та қорхонада халқро

стандартларга мувофиқ, сифат ме-нежменти тизимларини сертифи-катлаштириш ишлари якунига ет-казилади. Бу маҳаллий маҳсулот-лар экспорт географиясини кен-гайтиришда қўл келади.

Хуллас, бир пайтлар аграр ҳудуд сифатида қаралган Бухоро вилоя-тининг саноати бугун изчил ривож-ланиш палласида. Дейлик, бу ерда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш ҳажми 2022 йилда 27,2 трлн. сўмни ёки 106,2 фозини ташкил этган бўлса, жорий йил якунида бу кўрсаткич 36,2 трлн. сўмга, ўсиш суръати эса 113,2 фозизга етиши кутилмокда. Ҳозирдаёқ ўндан зиёд турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётга-ни эса сифатга бирламчи масала дея қаралаётгани далолатидир.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Бунёдкорлик

УЙ-ЖОЙЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида 100 та хонадонга мўлжалланган 5 та кўп қаватли янги тураржой қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар аҳолининг уй-жой таъминотини яхшилаш мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш борасида олиб борилаётган эзгу ишларнинг амалий ифодаси эканини таъкидлади.

— “Ўз уйинг, ўлан тўша-гинг” деган нақлнинг маъ-носини уй-жойга муҳтож ин-сонлар жуда яхши англай-ди, — дейди ҳазорасплик Моҳира Саъдуллаева. — Биз ҳам анча йиллардан буён уй-жой масаласида қийналиб келаётган эдик. Туманимизнинг яшаш учун қулай ҳисобланган ҳудуди-да барпо қилинган янги уй-лардан 3 хонали квартира бизнинг оиламизга ҳам на-сиб этди. Янги уй оиламиз-га янги орзу-умидлар, бахт олиб кирди.

Ҳазорасп тумани аҳолиси сони бугунги кунда 200 минг нафардан ошди. Уй-жойга бўлган эҳтиёж ортинги натижасида кўп қаватли уй-жойлар қурили-ши кўлами ҳам кенгай-мокда. 2021 йилда туман-да 130 та хонадонга, ўтган йили 152 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар қурилган бўлса, жо-рий йилда 416 та хонадонли 17 та кўп қаватли уй фой-даланишга топширилади.

Одилбек ОДАМБОВЕВ
(«Халқ сўзи»).

«БЕШ ТАШАББУС ОЛИМПИАДАСИ»

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтинида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида спортнинг волейбол, минифутбол ҳамда стол тенниси турлари бўйича факультетлар кесимида мусобақаларга старт берилди.



Спорт

Президентимизнинг те-гишли Фармони билан тас-диқланган 2022 — 2026 йил-ларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшларни, ҳу-сусан, институт талабалари-ни спорт тадбирларига кенг миқёсда жалб қилиш, улар ўртасида мусобақалар таш-кил этиш белгиланган.

— Институтда бундай тур-нирларни ўтказиш учун пух-та тайёрларлик қўрилди, — дейди Нукус давлат педаго-гика институтини спорт клуби раисининг ўринбосари Атабай Ережонов. — Жис-моний маданият факультети-

нинг тажрибали профессор-ўқитувчиларидан иборат таш-килий қўмита ҳамда ҳақам-лар ҳайъати аъзолари му-собақаларни юқори савияда ўтказиш учун бор имконият-ларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшларни, ҳу-сусан, институт талабалари-ни спорт тадбирларига кенг миқёсда жалб қилиш, улар ўртасида мусобақалар таш-кил этиш белгиланган.

— Институтда бундай тур-нирларни ўтказиш учун пух-та тайёрларлик қўрилди, — дейди Нукус давлат педаго-гика институтини спорт клуби раисининг ўринбосари Атабай Ережонов. — Жис-моний маданият факультети-

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Айни кунларда барча тизим ва тармоқларда истиқболдаги куз-қиш мавсумига ҳозирлик қизиган паллага кирган. Чунони, “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали жамоаси ҳам тақсимлаш пунктлари ва қувурларнинг соз ҳолатда бўлиши ҳамда қишининг изгирилли кунлирида табиий газ таъминотида муаммо юзгага келмаслигини таъминлаш мақсадида айни илиқ кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланмокда.

Тадорик

Хусусан, Кармана туманидаги “Дўстлик” ҳамда Қизилтепа туманининг “Малиқобод” маҳалла фўкарлар йигинлари ҳудудларида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекис-тон” массивларида газлаштириш жараёнлари кетяпти.

Ушбу массивларни газлаштириш учун “Худудгаз Навоий” газ таъми-ноти филиали томонидан жами 4 километрлик газ тармоғи тортил-ди ва “Дўстлик” МФЙ ҳудудида 18 та кўп қаватли уйнинг 420 хо-надони ва Қизилтепа туманидаги “Малиқобод” МФЙ ҳудудида эса

8 та кўп қаватли уйнинг 200 хона-дони ҳамда бир қатор ижтимоий соҳа объектлари табиий газ билан таъминланди.

— Бундан ташқари, Навоий шаҳ-ридаги учта 16 қаватли уй-жойни газ-лаштириш мақсадида 4,4 километр-лик ташқи газ тармоқларини тортиш ишлари амалга оширилди, — дейди филиал бош муҳандиси Баҳриддин Худоевров. — Шунингдек, жорий йил-да вилотда 13 та кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зо-наларини ташкил этиш белгиланган бўлиб, ушбу объектларни газлашти-риш лойиҳалари асосида шу кунга қадар уларнинг тўрттасига ташқи та-биий газ тармоқлари тортилди.

Маълумотларга кўра, эски “горелка”ларнинг ойлик газ сарфи 650 куб метрни ташкил этиб, бу янги автоматлаштирилган энергия-тежамкор газ ёндиргичларга нис-батан 310 куб метр кўп, демакдир. Шу боис аҳоли хонадонларида энергиятежамкор газ ускуналарини ўрнатиш ишлари ҳам жадаллашган.

Мазкур ускуналар ҳар ой қарийб бир баравар газ тежаш билан бир-га, истеъмолчи уйда бўлмаган кез-ларда газ ўчиб қолса, уни автома-тик равишда таъминотдан узади.

— Филиалимиз томонидан режа-даги 15260 донна ностандарт газ жи-ҳозини энергиятежамкор газ жи-ҳозларига алмаштириш 3 млн. 662 минг 400 метр куб газ тежали-шини таъминляйди, — дейди “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали матбуот хизмати раҳбари Зулфия Бобоева. — Энг муҳими, те-жалган газ табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудларга таъминот-ни яхшилаш учун йўналтирилади.

Филиал масъулларининг таъкид-лашича, жорий мавсумга тайёргар-лик қўриш жараёнида вилот бўйи-



ча 5 донна газ тақсимлаш пункти ка-питал таъмирланган, 74,2 километр газ қувурлари зичликка синалиб, ҳаво босими ёрдамида тозаланган. 124,7 километрлик газ қувурлари эса тартибга келтирилиб, бўёдан чиқа-рилган. Шунингдек, 177,2 километр ер ости газ қувурлари прибор усули

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ДАРЁЛАР ФАРЁДИГА



НЕГА ҚУЛОҚ ТУТМАЯПМИЗ?

Бугун инсоният ўз хатосини тушуниб етди, албатта. Лекин жуда кеч “ақли” кирди. Ана шу кечкиш одамзод бошига не-не қийинчиликларни солиши тайин. Зеро, бундай глобал муаммолардан ҳеч қайси минтақа четда қолиб кетгани йўқ. Биргина мисол, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларидаги тоғларда музликлар глобал иссиқ оқибатида ўз ҳажмини йўқотиб бориши натижасида Амударёдаги сув сатҳи тобора пасайиб кетаяпти. Бундай ҳолат эса ҳар бир юртдошимизни ташвишлантириши лозим.

Бироқ афсуски, ҳамма ҳам буни чуқур англаётгани йўқ. Акс ҳолда дарёларнинг фарёдига қулоқ тутган бўлардик.

Бефарқликим, лоқайдлик?

Саноат корхоналаридан чиқаётган газлар глобал иссиқ ҳодисасини келтириб чиқариб, сув ресурсларининг қамайишига олиб келаётган бўлса, дарё ўзанларининг тобора кенгайиб бораётгани бу жараёни янада тезлаштирмоқда. “Халқ сўзи” газетасининг ўтган йил 13 апрель сонида чоп этилган “Дарёнинг ув оли урмасин” номли мақолада бу масалага батафсил тўхталган эдик. Унда Чирчиқ дарёси қирғоғида корхона ва цехлар баҳорги кўзқориндаи болаётгани, устига-устак қарьерларда иш кечаю кундуз давом этиши — тонналаб қум-шағал қайта ишланиши туфайли табиий муҳитга жиддий зарар етаётгани танқид остига олинганди. Афсуски, шу соҳага тегишли бўлган ташкилотлар мутасаддилари мақолада кўтарилган муаммога жиддий эътибор қаратди, деб бўлмайди. Улар ҳатто бир энлик хат билан муносабат билдиришни ҳам раво қўришмади. Бу ёқда эса дарё қирғоқлари бир-биридан тобора узоқлашиб, сувнинг буғланиш ва ер тагига сингиш даражаси ошиб бораверди. Фақат неча бор қилинган кўнчирқорлардан кейингина, орадан 3 ой ўтиб, экологияни асрашга масъул Тошкент вилоятидаги ташкилот ёзма равишда жавоб қайтарди ва руҳсат этилмаган бир неча ҳўжалик субъектлари дарё қирғоғини бузиб, қум-шағал олаётгани аниқлангани, уларга жарималар қўлланганини билдирди. Аммо ҳақиқат шуки, экологияга жиддий зарар етказадиган бундай ишлар хозирги кунда ҳам туну кун давом этмоқда. Мутасаддилар эса “менга нима, сenga нима?” қабилида иш тутишни маъкул қўришаётир.

2022 йилнинг ноябрь ойида Олий Мажлис Сенати томонидан бу масала чуқур ўрганилиб, дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуада фойдали қазилмаларни қазиб олишининг атраф-муҳит, йўл ҳўжалиқлари объектларига салбий таъсири юзасидан тегишли тартибда парламент сўрови юборилган эди. Парламент сўровига берилган жавоб атрафила ўрганиб чиқилиб, ўтган йили мажлисларда муҳокама этилган, тегишли вазифалар белгиланиб, ижросини таъминлаш бўйича Сенатнинг қарори қабул қилинганди.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг ялли мажлисида бу масала яна муҳокамага қўйилди. Унда Сенат ишчи гуруҳи томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда олиб борилган ўрганиш натижалари таҳлилдан ўтказилди.

— Ўрганишлар ва тақдим этилган маълумотлар таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, Сенат қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича етарлича ишлар олиб борилмаган, натижада соҳадаги долзарб масалалар ўз ечимини топмасдан қолмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Рискўл Сиддиқов. — Биринчидан, дарё ўзанларида қум-шағал қазиб олиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларидан лицензия ёки шартнома муддати тугагандан сўнг кон ёки участкани қабул қилиб олиш тартиби белгиланмаган. Жумладан, Сенат қарорида қўрсатиб ўтилганидек, кон ёки участкани қабул қилиб олиш тартибини тақомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Бу эса, ўз навбатида, экология ва атраф-муҳитга жиддий зиён етказилишига олиб келмоқда. Масалан, биргина Тошкент вилояти ҳудудида тадбиркорлик субъекти томонидан кон ишлари тўлиқ якунланган ҳамда лицензия (рухсатнома)нинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг фойдаланилган 1600 гектарга яқин майдон ташланмади ҳолда қолдириб кетилган. Бундан ташқари, дарё бўйларига турли чиқиндилар ташланаётгани боис атраф-муҳит ифлосланиб, қирғоқларнинг санитария ҳолати бузилган.

Олмоқнинг бермоғи бор

Қўмита раиси ўринбосари алоҳида қайд этганидек, дарёлардан қум-шағал қазиб олишининг ер ости сувлари ва экологияга салбий таъсирини инобатга олиб, дарёлар қирғоқларини умумий назорат қилувчи ягона орган белгиланмагани ачинарли ҳол, албатта. Бу борадаги ваколатлар бир неча идоралар зиммасига юклатилган ва

уларнинг тарқоқлиғи оқибатида дарё ўзанларидан меъёрларга зид равишда фойдаланиш ҳолатлари ҳамон давом этмоқда.

Савол туғилади, нега биз ўзимиз сув ичадиган, далаю даштни, боғу рoғни яшнаатадиган, ҳаёт ато этадиган дарёларнинг қадрига етмаяпмиз? Ахир дарёлар миллий бойлигимиз, битмас-туганмас хазинамиз-ку! Уларни кўз қорачиғидек асраш шу юрт, шу замин келажағи учун дахлдор ҳар бир инсоннинг вазифаси эмасми?!

Нега мутасадди ташкилотлар бу масалага панжа орасидан қарашмоқда? Ҳудудларда норуада фойдали қазилмалар ҳамда қурилиш учун қум, чақилган тош маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган саноат зоналарини ташкил

суд органларига 35 та тақдимнома киритилган.

Норуада материалларини ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари бўйича Самарқанд вилоятида 343 нафар шахсга нисбатан 1,2 млрд. сўм, Жиззах вилоятида 158 нафар шахсга нисбатан 474 млн. сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса Самарқанд вилоятида 83 нафар шахсга нисбатан 273 млн. сўм, Жиззах вилоятида 40 нафар шахсга нисбатан 134 млн. сўм маъмурий жарима қўлланилган. Ҳўш, айтинг-чи, шу жарималар ундирилиши дарёни ўз ҳолига қайтариш учун етарлими? Топталган, қирғоғи йўқ бўлиб кетаётган дарёларимизга жарима тўлаш билан қайта жон бахш этилишига ким қафолат беради?

Гап деса қоп-қоп, иш деса...

Бу ҳақда гап кетганда, Туркия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия ва Қозогистонда дарё ўзанларидан норуада фойдали қазилмаларни қазиб олиш жиноят ҳисобланишини айтиб ўтишининг ўзи қифоя. Қолаверса, дарёдан олинган тош, қум, шағални қурилиш материали сифатида фойдаланиш қатъий тақиқланган. Нега шундай қилинган? Негаки, дарёлар миллий бойлик, боғу рoғларни яшнатадиган, элга тўкинчилик ва қўт-баража олиб қирадиган муҳим манба! Буни англаш учун яна нима қилмоқ керак?

Бундай хатолар туфайли Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани ҳудудидаги Санзор дарёсининг ўзани устига қурилган умумий фойдаланувдаги “М-39” магистраль ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобил йўлларидаги кўприклар авария ҳолатига келиб қолган. Зарафшон дарёсининг оқими бўйлаб ўнг қирғоқда жойлашган “Зарафшон миллий табиат боғи” ҳудудида ер ости сувлари сатҳи 3-4 метргача пасайиши оқибатида дарахтлар қуриб қолмоқда.

Ачинарлиси, Қорадарё ва Оқдарёда қум-шағал материалларининг ноқонуний қазиб олиниши атраф-муҳит, сув ва йўл ҳўжалиги объектларига салбий таъсир кўрсатади, хозирги кунда дарёнинг сув сатҳи 5 метргга пасайиб кетган.

Дарёларни сақлаб қолиш, улардан оқилана фойдаланиш юзасидан қатта сай-ҳаракатлар олиб борилаётган бир пайтда ҳудудларда уларни 2040, 2050 йилларгача кон сифатида фойдаланишга бериб юборилганини қандай изохлаш мумкин? Демак, дарё ўзанидан кон сифатида фойдаланиш мумкинлиғи борасида берилган экологик экспертиза ҳулосаларини яна бир бор таҳлил қилиб қўриш зарурати бор.

Тегишли мутасаддилар томонидан бу йўналишда сезиларли ишлар олиб борилмаётганиги сабабли ушбу масала Сенат ялли мажлисида такрор қўриб чиқилди. Сув танқислиғи шароитида обихаётни исроф қилиш, муҳим манба бўлган дарёлар ўзанларини бузиш, экология, атраф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш, ўсимликларни қуритиш ва қўлланишни кескин ошириш каби ишлар давом этаётгани сенаторларни бефарқ қолдирмади. Зотан, минтақамизнинг кейинги тараққиёти, ҳеч шубҳасиз, сув манбаи билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи қўрсатиб турибди.

Эътиборсизликнинг чегараси борми?

Сенатор Абдурахим Эрқаев масалани жойларда чуқур ўргангани боис унинг ниятда долзарблиғи ҳақида қунонги гапирди. Муаммонинг олдини бугун олмаса эртгага кеч бўлишини таъкидлаб экан, келгуси авлод олдидаги масъулиятни унутмаслик муҳимлигига алоҳида урғу берди.

— Муаммони ўрганиш жараёнида ахвол бутунлай издан чиққанига амин бўлдим, — дейди у. — Тўғри, шаҳар ва қишлоқларимиз қайта барпо қилинмоқда, бунёдкорлик юксак суръатларда давом этапти. Шу боис қурилиш материаллари, жумладан, қум-шағалга ҳам эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу тушунарли. Лекин иккинчи томондан, экология масалалари, дарё ўзанларининг пасайиб кетаётганлиғи йўлларга, кўприкларга салбий таъсир этаётгани ҳам бор гап. Илгари дарёлардан ўз оқими билан сув чиқадиган каналларга энди насослар ўратишга мажбурмиз. Дарё ўзанларида пайдо бўлаётган чуқурликларга сув кетаяпти. Уша жойда тўпаниб қопаяти, галлага, пахтага сув етиб бораётгани йўқ. Бир томондан ҳавога буғланиб кетаётган бўлса,



иккинчи томондан тупроққа сингиб, ботқоқ ҳосил бўляпти.

Бу эса ҳар томонлама зарар. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан дарё ўзанларини узоқ муддатга, масалан, 50 йилга кон сифатида берилгани ниятда ачинарли ҳол. Шундай экан, ўз-ўзидан савол туғилади: энди бу конлар муддати тугамагунча фаолиятини давом эттираверадими? Ёки биз тўхтаста оламизми? Бизнинг иродамиз етдими, шунга? Бу масалани ҳал қилиш учун Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиғи нима чора қўрғаяпти?

Сенат қароридида сув объектларидан ташқарида муқобил хомашё манбаларни аниқлаш ва уларни савдога чиқариш, дарё ўзанларидаги тадбиркорлик субъектларига берилган лицензияларни бекор қилиш белгиланган эди. Бирок ушбу топшириқ бажарилмаганлиги сабабли ханузгача дарё ўзанларидан тинимсиз, шағал-тош, қум қазиб олинмоқда. Нега вазирлик Сенат томонидан зиммасига юклатилган топшириқни бажармапти? Биз “свх ҳам, кабoб ҳам қўймасин” деб “маълумот учун қабул қилинсин”, деган гапларни қачонгача давом эттирамиз?..

Қум-шағал керак, лекин...

Сенатор А. Эрқаевнинг қунончақлик билан билдирган фикрлари юзасидан тоғ-кон саноати ва геология вазири ўринбосари Азизхўжа Қобилов жавоб берди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай давр бўлганки, дарё ўзанларидан фойдаланишга узоқ муддатли лицензиялар расмийлаштирилган, — дейди у. — Бундай узоқ муддатли лицензиялар 2019 йилгача бўлган муддатда берилган. Сенаторларнинг фикри тўғри. Бу бўйича биз Бош прокуратура, Экология, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиғи, Фавқулодда вазиятлар вазирлиғи билан биргаликда ишчи гуруҳ ташкил қилган ҳолда жойига чиқиб ўргандик. Берилган лицензия, рухсатномаларни икки босқичда — биринчиси, ичимлик суви таъминоти объектларига яқин жойлашган участкалар, кўприк атрафидаги объектлар бўйича рухсатнома ва шартномаларни, иккинчиси эса қолган барча участкалар бўйича рухсатномаларни бекор қилиш тақлифлари билдирилган.

Бундан ташқари, Президент қарори билан дарё ўзанларини назорат қилувчи орган сифатида Экология, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиғи белгиланди. Кўтарилган масалалар ижросини таъминлаш шу вазирлик зиммасида. Улар бизнинг инспекторларимиз билан ҳамкорликда иш олиб боришади.

Кейинги масала — берилган 78 та рухсатнома ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиғи ҳузуридаги “Хавфсиз дарё” ДУК томонидан берилган 313 та шартномани бекор қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасидан, шахсан Бош вазир томонидан топшириқ бўлган эди. Муқобил хомашё материаллари манбаларини аниқлаш бўйича бугунги кунгача биз 125 та муқобил манбалар рўйқатини шакллантириб, Экология, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиғи билан бир тўхтамга келдик. Шундан 94 та муқобил участка бўйича келишиб олинди. Бу муқобил участкалардаги хомашё миқдори бугунги кунда

шартнома асосида берилган дарё ўзанидаги хомашё миқдоридан 5 баравар кўп. Яъни дарё ўзанидаги объектларни муқобил участкаларга бемалол кўчирсак бўлади.

Бунинг учун шу йилнинг ўзида 40 та муқобил тош-қум олиннадиган участкани аукционларга чиқариб, тадбиркорларга тақлиф этдик. Айни пайтда эса юқорида айтиб ўтилган 94 та участкада қизгин иш олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудудда ҳокимликлар билан келишилган ҳолда бу участкалар ҳам босқичма-босқич аукцион савдосига чиқарилади. Ва дарё ўзанидаги барча фойдаланувчилар муқобил участкаларга ўтказилади.

— Ҳақиқатда ўрмон фонди ери дарё қирғоқларида жойлашган, — дейди Экология, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиғи ҳузуридаги ўрмон ҳўжалиги агентлиғи директорининг биринчи ўринбосари Алижон Маматқаримов. — Қум-шағал қазиб олинган дарё қирғоқларида дарахт экиш ишлари бошланди. Тўғри, илгари дарё қирғоқларида ўрмонзорлар барпо қилинарди. Эътиборсизлик туфайли бу ишлар сусайиб кетди. Эндиликда республика бўйича 400 гектар майдонда куз ва баҳор ойларида дарахт экиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди.

Дарвоқе, 86 та ўрмон ҳўжалигидаги қирғобўйларининг 5 километр жойида баҳорги мавсумда кўчнатлар экилган. Бундан ташқари, Чирчиқ дарёси ёқасига яқин жойларда 19 минг тул дарахт ўтказилди. Бу сай-ҳаракатни биз бутун республика бўйича оммалаштириб, тўлиқ қирғобўйи ҳудудларда иқлим шароитига мос дарахтларни экамиз. Куз ойидан бошлаб бу ишга тўлиқ киришамиз.

— Бу фикрлар биринчи марта айтилаётгани йўқ, — дейди сенатор Рустам Холмуродов. — Қанча кўп айтилгани билан таъсири сезилмаяпти. Бунинг сабаби эса кўплаб раҳбарларда ватанпарварлик тўғуси йўқ. Ахир Ватан барчамизники, уларга ҳам тегишли-ку! Бу нима деган гап, ахир бугунги дарёларнинг ахволини яқин ўн йилларда қайта тиклаб бўлмайди. “Қиламиз”, “бажарамиз” дейилгани бу аниқ жавоб эмас. Ўнлаб йиллар мобайнида биз дарёларни қайтариш мумкин бўлганган даражага олиб келдик. Ўзанлари кенгайиб, чуқурлашиб кетган, сув йўқоляпти. Соҳиллардаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига қирон келяпти. Бу — миллий бойлик-ку! Фақат Ўзбекистонда бу ўсимликлар, бундай ҳайвонлар бор. Наҳотки, пул, олиннадиган фойда Ватандан ҳам қимматли бўлса?!

Президентимиз кейинги етти йилликка мўлжалланган дастурда сувни тежашга дахлдор масалаларни ҳам изохлади. Батон сувини биз ерларга йўқотяпмиз, уларни бетон ҳавзаларга, лотокларга туширамыз дедик. Унданам кўп сув дарёларнинг ўзида йўқолиб борапти-ку! Сенат олий орган эмасми? Нега унинг қарори бажарилмапти? Биласизми, Самарқанд вилоятининг ўзида Қорадарё, Оқдарё қирғоқлари кенгайиб, 500 метрлик ўзан пайдо бўлган. Сув қамайиб кетаяпти, чашмалар қуриди. Нега лицензияларни муддатидан олдин бекор қилмаймиз? Дунёнинг ақсарият мамлакатларида тоғ маҳсулотлари қурилиш материаллари сифатида ишлатилади. Нега биз шу усулга ўтмаймиз? Бизга ким халақит берапти?..

Бурч, масъулият, дахлдорлик

Дарёлар муаммоси сенаторлар томонидан бир неча бор кўтарилганига қарамасдан айтарли ихобий натижага эришилгани йўқ. Аслида муаммонинг ечими бор, уни ҳал қилса бўлади. Бу ҳақда Сенат Раиси Танзила Норбоева ҳам ўз фикрларини билдириб ўтди.

— Вазирликнинг бизга берган ахборотидан ва сенаторларнинг юракдан чиқариб айтган эътирозларидан сезилиб турибдики, парламент сўрови доирасидаги ишлар қонқарики эмас, — деди Сенат Раиси. — Мутлақо бажарилмаган, десак, тўғри бўлади. Иккинчи маротаба қўриб чиқяпмиз. Оғир ахволдаги Чирчиқ, Оқдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Санзор, Қорадарёда саноат миқёсида қум-шағал қазиб олишга мораторий эълон қилиш масаласи эътиборсиз қолдирилганини қандай тушуниш мумкин? Ёки ҳудудларда қум-шағални фақат дарёдан олавермасдан бошқа жойлардан, масалан, тоғли ҳудудлардан алоҳида саноат зоналари ташкил этиб олиш масаласи ҳам очиқ қолган.

Буллар алоҳида вазирлик ёки ҳокимлик томонидан эмас, балки кенгроқ даражада ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалардир. Ўзи умуман, парламент сўрови муаммалари муаммога нисбатан давлат органининг, унинг мансабдор шахси нуктаи назарини билиш учун, муаммо бўладиган бўлса, уни ҳал қилиш йўлларини аниқлаш ва бартараф этиш учун юборилди. Лекин тақдим қилинадиган маълумотлар ушбу йўналишда бажарилган ишларни аниқлаш имкониятини бермаяпти.

Гапни айлантириб жавоб беряспизлар, муаммо ҳал бўлгани йўқ. Агар мораторий эълон қилиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, алоҳида саноат зоналари ташкил этиш қийин бўлса, сўровда кўтарилган бошқа муаммоларни ҳал қилишда реал қийинчиликлар бўлса, тегишли вазирликлар, ҳукумат уни умумлаштириши керак.

Бу муаммо бизнинг шароитда борган сари долзарблашиб кетаяпти. Неча йиллар олдин Орол муаммоси ҳам шундай бошланган эди, ҳеч ким эътибор бермасдан шу ҳолатга келиб қолди. Ҳозир дарёларимиз бўйича вазият жуда оғир. Бу ҳақда халқ вакиллари, жамоатчилик ҳам, биз, яъни парламент ҳам бонг урмаяпти. Бу Ватанимиз тақдирини учун энг долзарб масала эканини ёддан чиқармаслик керак.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қўнувчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 058 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Тажриятта келган қўлаёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг қўлаёб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 23.15

Топширилди — 00.15

1 2 3 4 5 6